O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 феврал сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 27 (2324)



# МУТАНОСИБЛИК

## Сўз билан амалий ишнинг уйғунлиги — улуғ режаларимиз рўёбга чиқишининг асосидир

***Президентимиз Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идораларaро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида эришилган ютуқларни лўндагина ифодалаб, асосий эътиборни бу борада ечимини кутаётган долзарб масалалар ва муаммоларга қаратди. Қандай қилсак олдимизга қўяётган вазифаларимизни самарали уддалай оламиз? Иқтисодиётни эркинлаштириш тамойиллари қандай? Хориж сармояларини кенг жалб қила оламизми? Жаҳон бозорига эмин-эркин чиқиш учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларимиз борми? Қонунларимиз нега тўла ишламаяпти? Депсиниб қолишимизга сабаб бўлаётган иллатлар нималардан иборат?***

Дарҳақиқат, бу саволларга ечим топмасдан туриб, йигирма биринчи асрда мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, мавқеини кўтара олмаймиз. Ўзлиги ва келажак олдидаги масъулиятини тобора чуқур англаётган замондошларимизга бу яхши аён бўлиб қолди. Бунинг учун барча йўналишлар — сиёсий, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги ишларимизга холис ният ва покиза қалб билан киришмоғимиз даркор. Ўзимизга ва теварак-атрофимиздагиларга янгича асосларда, ўта талабчанлик билан ёндашмасак, депсиниш ҳолатидан чиқа олмаслигимиз тайин.

Жамиятимиз янгиланмоқда. Мустақил Ўзбекистонимиз ўзининг бутун қаддибастини етти иқлимга тобора яққол намоён этмоқда. Буюк бурилиш палласига чиқдик. Эркимиз — қўлимизда. Ҳатто тараққий этган мамлакатлар ҳам жаҳон ҳамжамиятига киришга қаратилган ўзбекона қадамларни эътироф этяпти. Аллоҳ бизга ато этган бу муборак замин неъматлари — тасарруфимизда. Миллат алломаларининг неча-неча асрлик маънавий, илмий-амалий мерослари — хизматимизда. Жаҳон илму маърифат хазинасига йўлимиз очиқ.

Лекин нега саъй-ҳаракатларимиз натижалари биз кутганчалик эмас? Масалани бу тариқа қўйиш билан биз мамлакатимизда содир бўлаётган ўсиш, ўзгариш, янгиланишни асло инкор этмоқчи эмасмиз. Гап фақат шу жараёнларнинг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз фуқаролари турмушини тезроқ муносиб даражага олиб чиқиш, қадимий ва навқирон Ўзбекистонимизнинг қаддибастини бутун баркамоллиги билан намоён қилиш орзуси устида бормоқда.

Бунинг учун нима қилмоқ керак?

Аввало, фикрлаш тарзи, тафаккур ўзгариши лозим. Юрбошимиз таъкидлаганларидек, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб олган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, воқеа-ҳодисаларга мустақил равишда муносабатда бўлиб, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғунлаштира оладиган эмин-эркин кишиларни тарбияламоқ керак. Ҳайбаракаллачилик, тилёғламалик, буқаламунлик бу жараёнга сиғишмайди. Тўрачилик, порахўрлик, амалпарастлик кўринишлари бугунги саъй-ҳаракатларимизнинг ашаддий душманларидир. Ҳозирча буюк келажак сари ҳаракатимиз "йўлдош"лари бўлиб келаётган бундай иллатлардан қанчалик эрта халос бўлиб олсак, шунча яхши. Ўзимизга. Келажак авлодларга.

Биргина мисол келтирмоқчимиз. Наманганадаги автомобилларга сервиз хизмати кўрсатувчи хусусий корхона раҳбари Аҳмаджон Назаров бизнес-режа тузиб, банкдан кредит олмоқчи бўлди. Тадбиркор ана шу маблағ ҳисобига яна олтита микроавтобус сотиб олиб, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирмоқчи эди. Айтилган ҳужжатларни йиғгунича унинг жони ҳалқумига келди. Лекин оқибат-натижада кредитни расмийлаштиришмади. Турли баҳоналарни қалаштириб ташлашди. Вақт ўтди. Энди ўша маблағга кўзланган режанинг учдан бир қисмини ҳам эплаштириб бўлмасди. Ҳамон эскича ишлаш усулларига ёпишиб олган баъзи тўрачаларнинг иши эди бу, албатта.

Бугун давлат, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаларига раҳбарлик қилаётган катта-кичик амалдорларнинг айримлари шу сингари иллатлардан холи эмас. Нохолислик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик,қариндош-уруғчилик каби номақбул иллатлар эзгу ҳаракатларимизга тўғаноқ бўлаётир.

Биз бу иллатларни дадил бартараф этмоғимиз керак. Ўзимизни поклаб, орзуниятларимизни, режаларимизни ойдинлаштириб олишимиз даркор. Шундагина мамлакатимизни обод қила оламиз. Турмушимизда қут-барака пайдо бўлади. Ўзбекистон аталмиш бу муборак юрт ҳавасли диёрга айланади.

Акс ҳолда амалдор қонунни четлаб ўтаверади. Бирни — ўн, учни — ўттиз қилувчи сармоядор дину диёнатни эсламасдан юраверади. Меҳнат ҳақини вақтида ололмаган фуқаро бир амаллаб кун кечириш учун енгил-елпи ризққа кўз тикиб қолади. Президентимиз ҳамиша куйиб-ёниб, афсусланиб гапирганларидек, кўпгина нарсалар қоғозда қолиб кетади. Расмиятчилик, қўзбўямачилик, хўжакўрсинга ишлаш барҳам топмайди. Биз олға силжий олмаймиз. Депсиниб қоламиз.

Бизнинг мақсадларимиз эса бўлакча. Не-не қурбонлар эвазига қўлга киритилган жаҳонга юз тутар онларимизни бир жойда депсиниб ўтказмоқчи эмасмиз. Асло! Ҳеч қачон!

Мақсадимиз — иқтисодиётни эркинлаштириб, ислоҳотларни чуқурлаштириб, олға интилишимизнинг қудратли кафолатини, ишончли асосини яратишдан иборат. Шундагина барча вазифаларимизни — ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий режаларимизни рўёбга чиқара оламиз. Бу — биринчиси. Иккинчидан, жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашиш, мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга хорижий сармояларни кўплаб жалб қилишимиз учун имкониятлар кенгаядики, бусиз иқтисодиётда барқарор ривож бўлмайди.

Бугун аҳолининг кўзи ўнгида янгилаётган жамиятда, гапнинг очиғи, унга доғ бўлиб тушаётган ишлар юз бермоқда. Лафзсизлик, порахўрлик, таъмагирлик, коррупция — булар жамият, давлат ҳокимиятининг обрўсини тўкувчи, миллатга иснод келтирувчи иллатлардир. Бу иллатларни таг-томири билан қўпориб ташлаш учун, албатта, мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хоҳиш-истагига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра, жамиятимизнинг олға силжишига халақит бераётган барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишга қурби етадиган самарали тизимни вужудга келтиришимиз зарур.

Нафс балоси устун келганида, мутаносиблик саробга айланишини унутмайлик. Биз шунга эришишимиз керакки, токи сўз билан иш, режа билан амалий қадам, қонун билан ҳаёт мароми орасида узилиш бўлмасин. Комилликка эришиш, қадриятларимизга таяниш бу борадаги уйғунлик асосидир. Шубҳа йўқ, ёлғон сўзни танларига санчилган ханжар деб билувчи, ноҳақлик ва адолатсизликка тик боқувчи комил инсонлар жамият ишларини ўз қўлларига оладилар.

Бугун имон-эътиқодли халқимиз, миллатимиз учун уятли ҳолатларга қарши бутун қонун кучи билан курашмасдан туриб, буюк келажак сари қадамларимизни шаҳдамлаштира олмаймиз. Бизга бағрини очиб келган хориж сармоядорларининг киссасига мўлтираб қаровчи амалдор қўли "қирқилмаса", жаҳон саҳнасига ёруғ юз билан чиқишимизнинг имкони қолмайди. Булар — айни ҳақиқат. Демак, бугун мутаносиблик мезони — қонун кучида!

Шу билан бирга эзгу ишлари, эришаётган ютуқлари билан юртни безаётган, унинг фазлу камолини кўз-кўз қилаётган замондошларимиз кўпайиб бораётгани қувонарлидир. Уларнинг амалий тажрибаси бизга куч беряпти. Янги-янги ташаббус чашмалари кўз очаяпти. Эркинликнинг мана шу дастлабки нишоналари минг бир сиру синоатлардан ўтиб бораётган йўлимизни тобора ойдинлаштирмоқда. Иқтисодий барқарорликнинг шу тариқа мустаҳкамланиб бориши мамлакатимиз қаддини тикламоқда. Миллатлараро тотувлик, тинч яратувчилик меҳнати эса тикланиш суръатларини оширмоқда.

Бу суръатларни яна ҳам жўшқин тус олдириш мумкинми? Бунинг ижобий жавоби ва унга мос амалиёт мамлакатимизга хориж сармоясини жалб қилишни кенгайтириш ва жадаллаштиришдадир. Пировардида энг замонавий технологияларга асосланган қўшма корхоналар барпо этилади. Бу — янги иш жойлари, деган сўз. Бу — бой ва хилма-хил хомашёмизни ўз юртимизда тайёр маҳсулотга айлантириш, деган сўз. Ва, ниҳоят, бу — мамлакатимиз иқтисодиёти тез ривожланиши учун янги-янги уфқлар очилади, деган сўз. Манфаатлардаги мутаносиблик хорижлик шериклар билан муносабатларда қудратли қанотга айланади.

Бундай кунларни яқинлаштириш омили, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бошланган ишларимизни собитлик билан давом эттириб, орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш учун ҳар биримизнинг виждонан, сидқидилдан, фарзандлик туйғуси билан меҳнат қилишимиздадир. Бугун бундан бўлак олий мақсад, бошқа улуғ саодат йўқ.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Ф А Р М О Н И*

## Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасини Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига айлантириш тўғрисида

***Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини бошқаришни янада такомиллаштириш ва назорат қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида:***

1. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига айлантирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентлик қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан саноатда ишларнинг бехатар олиб борилиши бўйича қонунчилик ҳамда меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал хомашёни қайта ишлаш ва металлургия жиҳатидан саралаш, шунингдек, кон ишларининг геология-маркшейдер таъминоти талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ўта хавфли ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарнинг (мулкчилигининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) техника хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг кон-қутқарув хизматларига тезкор ва услубий раҳбарлик қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 7 феврал.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Ф А Р М О Н И*

## Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига айлантириш тўғрисида

***Ўрмон хўжалиги соҳасида бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига айлантирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси:

илгари Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси тасарруфига кирган ўрмон хўжалигининг барча бўлинмаларига раҳбарлик қилади ва уларни бошқаради;

қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини, ўрмондан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурий бўлган ўрмон ва овчилик хўжаликларини юритиш бўйича меъёрий-техник ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш;

ўрмон фондини бошқариш, ўрмонлардан фойдаланиш, уларни тиклаш, қўриқлаш ва муҳофаза қилишни ташкил этиш, ўрмон хўжалиги ҳудудида қўриқхона ва миллий боғлар ишини юритиш;

экологияни яхшилаш ва сув ресурсларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигига қарашли ерларнинг чўлга айланишининг олдини олиш учун ўрмон хўжалигида ўрмон бойликларини ҳар томонлама кенгайтиришга ва улардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган ягона техник сиёсат юритиш;

ўрмон фондини, ҳайвонот ва наботот оламини ҳисобга олиш ва ўрганиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани ўрмон хўжалигига жорий этиш;

республикада ўрмонларни тиклаш ва иҳота ўрмонларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишлари бажарилишини ташкил қилиш;

ўрмонларни ёнғиндан, ўзбошимчалик билан дарахт кесишдан ва бошқа ўрмон қоидалари бузилишларидан муҳофаза қилиш;

қўриқхона ишларини, овчилик хўжалигини юритиш, ҳайвонларни қўриқлашни таъминлаш ҳамда ов қилиш қоидалари, меъёрлари ва муддатларига, овчилик хўжалигини юритиш тартибига ва ҳайвонот оламини қўриқлаш ва ундан фойдаланишга доир бошқа талабларга риоя этилишини назорат қилиш;

ўрмон хўжалиги корхоналари ва ташкилотларини малакали кадрлар билан таъминлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 12 февралдаги 144-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 7 феврал.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни муборакбод этишга ва ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, ўзбек халқи Сизнинг раҳбарлигингизда ўз Ватанида ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш ва бозор иқтисодиётини барпо этиш учун бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлайверади, шу тариқа Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори янада ўсишига эришади ва Ўрта Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Венгрия Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатдорликка асосланган икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдан иборат ўз мажбуриятларига доимо содиқдир.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, шунингдек, Сиз орқали қардош ўзбек халқига буюк зафарлар тилайман.

Эҳтиром билан,

**Арпад ГЁНЦ,**
**Венгрия Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сингапур ҳукумати ва халқи номидан Сизга ғоят самимий қутловларимни йўллайман.

Сизнинг қайта сайланганингиз ўзбек халқининг Сизнинг узоқни кўра билувчи доно раҳбарлигингизга ишончининг намойишидир. Сизнинг етакчилигингизда Ўзбекистон равнақ ва барқарорлик йўлини давом эттиришига шубҳам йўқ.

Сизнинг Президентлигингиз даврида Сингапур билан Ўзбекистон ўртасида муносабатлар мустаҳкамланди. Мамлакатларимиз ушбу асосда мавжуд алоқаларни келгусида тобора чуқурлаштириб, кенгайтириб бораверадилар, деб ишонч билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**С.Р.НАТАН,**
**Сингапур Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги Президентлик муддатига қайта сайланганингиз ҳамда Ўзбекистон халқи билдирган ишонч муносабати билан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, шунингдек, масъулиятли лавозимингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилаш билан бирга, ғоят самимий қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

**Ҳафиз АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши 2000 йил 11 феврал куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 10 феврал соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 8 феврадан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 90,24 | 10 Люксембург франки | 35,00 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,26 | 1 Малайзия ринггити | 37,59 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 227,68 | 1 Германия маркаси | 72,19 |
| 10 Бельгия франки | 35,00 | 1 Польша злотийси | 34,26 |
| 1 Голландия гульдени | 64,07 | 1 СДР | 191,89 |
| 10 Греция драхмаси | 4,25 | 1000 Туркия лираси | 0,26 |
| 1 Дания кронаси | 18,98 | 1 Финляндия маркаси | 23,75 |
| 1 БАА дирхами | 38,88 | 1 Франция франки | 21,53 |
| 1 АҚШ доллари | 142,80 | 1 Швейцария франки | 87,88 |
| 1 Миср фунти | 41,63 | 1 ЕВРО | 141,20 |
| 10 Испания песети | 8,49 | 10 Жанубий Корея вони | 1,27 |
| 100 Италия лираси | 7,29 | 10 Япония иенаси | 13,28 |
| 1 Канада доллари | 99,04 | 1 Россия рубли | 4,96 |
| 1 Хитой юани | 17,25 | 1 Украина гривнаси | 26,8 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## КЎРКАМ БИНОЛАР БУНЁДКОРЛАРИ



Ҳар тонг Тошкент ўзгача тароват кашф этмоқда.

Бу ерда қад ростлаётган бир-биридан кўркам бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшаяпти. Айниқса, турар жой биноларининг шарқона услубда, миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида бунёд этилаётгани уни кўрган одамни бир қувонтирса, бу янги уйларга кўчиб кираётганларни икки бор қувонтирмоқда.



«Юнусободқурилиш» давлат ишлаб чиқариш корхонасига қарашли 5 ва 6-қурилиш бошқармалари жамоалари қуриб фойдаланишга топшираётган уйлар ўзига хослиги, бежиримлиги билан ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда. Мазкур қурилиш ташкилотлари жамоалари айни пайтда С. Раҳимов туманида қурилиш-монтаж ишларини жадал олиб бормоқдалар.



**СУРАТЛАРДА: янги турар жой биноси қад ростламоқда; пардозловчи усталар Е. Машарипов, А. Аллаберганов, Қ. Бобожонов; фойдаланишга топширилган янги бино.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## «ЖАҲОН» АА ХАБАРИ

Шу йилнинг 6 феврал куни соат 11 дан 08 дақиқа ўтганда афғон авиакомпаниясига қарашли «Боинг-727» русумли фуқаро ҳаво кемаси Термиз шаҳри ҳудудида Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтди.

Самолёт экипажи билдирган баёнотга кўра, бунинг сабаби Мозори-Шарифдаги қўниш учун ноқулай об-ҳаво шароитлари ва юзага келган авария ҳолати бўлган.

Самолёт Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтиб, шу заҳотиёқ Тожикистон ҳудуди томон ҳаракатланди.

Соат 11 дан 30 дақиқа ўтганда самолёт Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасида — Бекобод шаҳри атрофида пайдо бўлди.

Самолёт Тошкент шаҳар ҳаво ҳужумига қарши мудофаа хизмати ва ердан берилган огоҳлантиришларга қарамасдан, ҳеч қандай келишувсиз, авария ҳолатида Тошкент аэропортига қўнди. Шундан сўнг ҳаво кемаси хавфсиз жойга кузатиб борилди.

Экипаж самолётни тарк этмаган ҳолда музокаралар ўтказиб, уни ёнилғи ва озиқ-овқат билан таъминлашни ҳамда ҳарбийларни самолётга яқинлаштирмасликни талаб қилди. Шунингдек, экипаж самолётда қуролланган кишилар ҳамда 170 нафар йўловчи борлигини ва агар қўйилган шартлар бажарилмаса, ҳаво кемасини портлатиб юборишларини маълум қилди.

Шундан сўнг ўзбек томони самолётни ёнилғи билан таъминлаш ва унинг учиши учун рухсат беришга қарор қилди.

Экипаж 10 нафар кишини, жумладан, 5 нафар эркак, 4 нафар аёл ва 1 нафар болани самолётдан тушириб қолдирди. Улар ҳозир тиббиёт масканига жойлаштирилган.

Соат 15 дан 45 дақиқа ўтганда самолёт номаълум йўналишда учиб кетди.

* * *

Аввал хабар қилинганидек, жорий йилнинг 6 февралида Тошкент аэропортига рухсатсиз қўнган афғон авиакомпанияси самолётидан 10 та йўловчи — 5 та эркак, 4 та аёл ва бир бола тушириб қолдирилган эди. Барча йўловчилар тиббий муассасага жойлаштирилиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатилганди.

Уларнинг БМТ вакиллари, хорижий ва маҳаллий журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Афғонистон фуқаролари Ўзбекистон ҳукуматига кўрсатилган тиббий ва инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорчилик билдирдилар.

Шу йилнинг 7 феврал куни соат 16.30 да Афғонистоннинг барча 10 нафар фуқароси БМТнинг Қочоқлар бўйича олий комиссариати вакили жаноб Ф. Ремус иштирокида Термиз шаҳри орқали ўз ватанлари — Афғонистонга ўтказиб юборилди.

## «ДИЛОРОМ» – «ПЛАТИНА» СОҲИБИ

Қувасойдаги цемент ишлаб чиқариш корхонаси Халқаро сифат конвенциясининг олий мукофоти – «Платина» нишонига сазовор бўлганлиги ҳақида хабар берган эдик.

Бу хайрли анъана давом этаяпти. Яқинда шу нуфузли халқаро жамиятнинг штаб квартираси жойлашган Мадрид шаҳридан Қўқонга хушхабар келди. «Дилором» акциядорлик жамияти қўли гул чеварлари томонидан тайёрланган кўркам, қулай, шарқона услублардаги хушбичим кўйлаклар «Платина» нишонига муносиб топилибди.

Халқаро сифат конвенцияси номзодларни ўзи танлаб олиб, дунёдаги машҳур модельерлар иштирокида маҳсулот сифатига баҳо беради. Қўқонликлар жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиб, юқори кўрсаткичларга эришаётганликлари учун ҳам мазкур юксак мукофотга сазовор бўлишди. Бу фикрлар жамоани нуфузли нишон билан биринчи бўлиб қутлаган халқаро конвенция раиси жаноб Р. Альфонсонинг шошилинчномасида ҳам ўз ифодасини топган.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЕРГА ҚАЙИШГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

## ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС

Азим ота қўшнимиз. Сирдарёнинг Боёвутида туради. Ёши ҳам етмишнинг нариберисида.

— Бошпуртим бўйича иккам етмишдаман, — дейди ота. — Аслида уч-тўрт ёш катта бўлсам керак. Онам раҳматли шундай дердилар. У пайтлар ёшни чамалаб ёзиб беришаверган экан-да.

Азим отанинг жуссаси кичик. Лекин қорувли. Кампири Рисолат момонинг таъбирича, «жиққа пай».

Ота ўғил-қизларидан тинчиган, бир этак невара-чеваралари бор. Ҳозир ҳайҳотдек ҳовлида кенжа ўғлию келини билан туради. Каттагина томорқасида эртаю кеч ғимирлагани-ғимирлаган.

Томорқанинг ярми — иссиқхона. Қишнинг чилласию, ёзнинг саратонида ҳам бозорга ошкўк, шивит, кашнич, кўкпиёз, укроп чиқаради. Хуллас, суяги ерда қотган.

Қишлоққа борган маҳалларим ота, албатта, мени сўраттиради. Чиқаман. У киши ҳар доимгидек оппоқ соқолини селкиллатиб, иссиқхонасида куймалашиб юрган бўлади. «Ҳорма, бор бўл» қиламиз. Сўнг ота кесакни курси қилиб чўкади-да, тилининг остига тўрт чўқим нос ташлаб, мени гапга тутади:

— Яхши юрибсанми, мухбир бола? «Ё шаҳри азим, ё қўҳи баланд», дейди машойихлар. Шаҳри азимдан гапир...

Буёғи уланиб кетади. Гапнинг жиловини дам Азим ота, дам мен тутиб, ҳашпаш деганча бир ош дамлагулик вақт ўтиб кетганини сезмай қоламиз.

Ҳар гал шу манзара такрорланади.

... Яқинда йўлим яна қишлоққа тушди. Азим отанинг томорқасига мўралагандим, ота кўринмади. Уйдагилардан сўровдим, «мазаси йўқ отанинг», дейишди. «Йўғ-е» деб ишонқирамай, дарров ҳовлисига ўтдим. Уйга кирсам, ҳақиқатан ҳам Азим ота кўрпа-тўшак қилиб, азза-базза ётиб олибди.

— Баҳай ота, тинчликми? Тобингиз қочдими? — шоша-пиша сўрадим, саломаликдан ҳам олдин.

— Ҳа, мухбир бола, кел, — деб ўрнидан қўзғалишга ҳаракат қилган эди, югуриб бориб яна жойига ётқизиб қўйдим. Ота хижолат чеккандай, қайта ёнбошлади.

— Буни қара, шу ёшга кириб, ҳали бир қув йўталган одам эмас эдим. Ёш ўтаверган сари ичдан зил кетаверар экансан-да.

— Йўғ-е, ҳали тетиксиз. Ётибсиз-да, бир-икки кун...

— Шу ётиш қурғурга ўрганмаганманда. Иш ҳам кўкнорига ўхшаган нарса бўлар экан. Хумор қилаверади. Бўлмасам, шу ёшимда ҳам томорқада куймалашиб юриш менга нима зарил? Кампирим икковимиз оладиган пенсиямиз бемалол етади. Кенжам олиб келади уч-тўрт танга.

— Бўпти-да. Ташвиш чекмай, дам олинг энди буёғига. Сизнинг хуморингизни болаларингиз чиқаришади.

— Билмадим, замоннинг зайли бўлганми, болаларнинг ерга меҳри йўқ. Ер билан тиллашишни билишмайди. Мана, ўзимнинг кенжамдан қиёс. Биласан, мошин ҳайдайди. Яхшигина пул топади. Локин санаб берганга қуш тўярмиди?! Мундоқ ерга ҳам қайиш, биринг икки бўлади десам, «ишлолмайман, гипиртонман», дейди. «Э, қисталоқ, гипиртонди давоси Ўратепанинг бир ботмонлик кетмони бўлади» деб яниб ташладим, уч-тўрт. Йўқ, барибир ўз билганидан қолмайди.

Ҳўв узоқ йили бир томоша кўрсатишувди. Йўлчи ҳақида. Ўшанда бой зап гапни айтувди: эр киши ер сотмайди. Бойлар билади-да, ишнинг кўзини. Бекорга бой бўладими?! Дўппини ёнга қўйиб, мундоқ ўйлаб қара: бою камбағал осмондан тушганми? Номаъқулнинг нонига шерик бўлган шундай дейди. Ишнинг кўзини билган — бой, билмаган — камбағал. Саветти замони ҳаммани Никалайди мис тангасига ўхшаб бир хил қилиб қўйган эди. Ё қудратингдан, томорқадаги нарсани бозорга олиб чиқсак, «испекулян» деб ёқамизга ёпишарди.

Ёшлар деяпман-у, қараб турсам, катталарнинг ҳам қўли кетмондан чиқиб кетган экан. Мана, давлатимиз таноб-таноб ер беряпти. Ишла, деяпти. Лекин ишлаган ишлаяпти. Ишламаганники ётибди, шундоқ. Ерда ҳикмат кўп, мухбир бола. Ғиж-ғиж хазина. Хазина увол бўлиб ётса, ичинг ачийди-да.

* * *

Азим отанинг гурунгини бир чимдимига сиз ҳам шерик бўлдингиз. Бу гурунгни эътиборингизга етказмоқдан муддао шуки, аввало, «қари билганни пари билмас» деган ақидани яна бир бор таъкидлаб ўтиш. Кейин, ўзбекнинг тийнатини бироз кўрсатиш.

Дарвоқе, Азим ота билан гурунгларни яна давом эттириш ниятимиз бор.

**Асқар ШОКИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚОНУННИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ҲАМ МАДАНИЯТДИР

## Тошкент шаҳар прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Мэлс НАИМОВ билан суҳбат

**— Мэлс Иномович, қонунбузарликлар, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва ҳолатларни бартараф этишда прокуратура идораларининг хизмати беқиёсдир. Ана шу ҳақда фикрингизни билдирсангиз.**

— Жойлардаги прокурорлар ҳудудларида жойлашган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимликлар, шунингдек, кимга бўйсунишидан, кимнинг тасарруфида бўлишдан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

Шуларга кўра, шаҳар прокуратураси тизими ходимлари томонидан умумий назорат тартибида ўтказилган ҳар бир текшириш натижасида аниқланган маълум бир қонун бузилиши сабаблари тўлиқ ўрганилади. Уни келтириб чиқарувчи ҳолатларга барҳам бериш тўғрисида тегишли мансабдор шахсларга тақдимномалар киритилади. Мазкур қонун бузилишини зудлик билан бартараф этиш учун эса амрномалар юборилади.

Биргина ўтган йилда умумий назорат йўналиши бўйича аниқланган айбдор шахсларга ва уларнинг раҳбарларига қонунбузарликлар бўйича 636 та тақдимнома, 1983 та амрнома берилган. 2680 нафар шахс ёзма огоҳлантирилган. Қонунбузарлик натижасида давлат, жамоат ва фуқаролар манфаатига жиддий зарар етказиб, уларнинг мулкини ўзлаштирувчиларга нисбатан эса жиноят ишлари қўзғатилди ҳамда 11 миллион сўм миқдоридаги зарарлар айбдорлардан ундириб олинди.

**— Баъзан одамлар орасида «прокурор берган санкцияси учун қаттиқ курашиб, фуқарони жавобгарликка тортмасдан қўймайди» деган гапларни эшитиб қоламиз. Аввало, бунга муносабатингиз? Қолаверса, санкция беришнинг масъулиятини тушунтириб ўтсангиз.**

— Биринчидан, бундай миш-мишларга ҳеч қандай асос йўқ. Иккинчидан, фуқароларимиз шуни билишлари керакки, гумон қилинган шахс содир этган оғир ва ўта оғир жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан кейин қўлга тушса, жиноят шоҳидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар, унда ёки кийимида, ёнида, уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса, шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар тўлиқ мавжуд бўлади. У қочмоқчи бўлса ёки қочиб кетиш хавфи аниқ кўриниб турган бўлса, шунингдек, доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса, ушлаб турилади. Кейин 72 соат ичида тезкор тергов ҳаракатлари олиб борилади. Шундан сўнг қамоққа олиниши ёки бўлмаса бошқа эҳтиёт чораси турлари қўлланилиши ҳал этилади.

Амалдаги қонун прокурорга фуқароларни содир этган жинояти учун қамашга ваколат бериш билан бирга, унга жуда катта масъулият ҳамда жавобгарликни ҳам юклайди. Агарда прокурор бирон-бир фуқарони асоссиз ҳибсга олиб, қамоқда сақласа, вазифасидан бўшатишгача бўлган интизомий жазо чораларига тортилади. Шунингдек, унинг айбсизлигини била туриб қонунга хилоф равишда ҳибсга олса ва узоқ вақт қамоқда сақлаб турса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Ана шу сабабдан ҳам прокурорлар шахсни ҳибсга олиш масаласини ҳал этаётганда, шахсан ўзлари ҳар бир далилни текшириб чиқадилар. Қонуний баҳо берадилар. Айбдорлик даражасини аниқлайдилар. Жиноий қилмишнинг хавфи ва оғирлигини, гумонланувчининг шахсини тўлиқ ўрганиб чиққанларидан сўнггина қонуний тўхтамга келадилар.

**— Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг устуворлигини назорат қилиш прокуратура идораларининг муҳим вазифаларидан бири...**

— Худди шундай. Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб боришдир. Ушбу йўналишда биз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан узвий ҳамкорликда тегишли ишларни олиб бормоқдамиз. Ўтган йилда умумий назорат тартибида прокурорлар томонидан давлат бошқарув идораларига, корхона, ташкилотлар, жамоа бирлашмаларига 708 раддия, қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисида амрнома киритилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

**— Қайси бир нуфузли йиғин бўлмасин, унда уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш масаласи, албатта, таъкидланади. Демак, у жамият учун хавф. Бу иллатга қарши шаҳар прокуратураси нималар қилаяпти?**

— Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда...» асарида коррупция ва жиноятчиликни хавфсизлигимизга таҳдид солаётган асосий хатарлардан бири сифатида баҳолаб, **«...унинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини, жамиятнинг ахлоқий, маънавий асосларини емиради, — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий тарзда бузилишига олиб келади»**, деб кўрсатиб ўтган.

Минг афсуски, жиноятчиликнинг ўта хавфли шакли бўлган уюшган жиноятчилик ҳамма мамлакатларда муаммога айланиб қолган. Айниқса, жиноий тузилмаларнинг давлат органлари, амалдорлар билан чатишиб кетиши, уларнинг ҳокимият идораларига суқилиб кириб олиши жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий негизларига болта уради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун уюшган жиноятчиликнинг янги кўринишлари диний экстремизм ва диний ақидапарастлик ниқобида пайдо бўлиб, жамиятимизга раҳна солмоқда. Шу сабабли, хотиржам бўлишга асло асос йўқ. Шаҳар прокуратураси идоралари бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ҳамкорлигида қонунга хилоф ҳаракатларни содир этаётган диний-экстремистик гуруҳларни аниқлаш, фош этиш ҳамда уларга кескин барҳам беришга қаратилган бир қатор мақсадли тадбирларни амалга оширмоқда. Кўпчилик давлатларда қонунга хилоф тарзда хуфиёна фаолият кўрсатаётган «Ҳизбут-таҳрир», «Ваҳҳобий» ва бошқа диний-экстремистик оқимлар вакилларининг юртимиз пойтахтидаги ғайриқонуний ҳаракатлари фош этилиб, қонунбузарлар ҳуқуқий жавобгарликка тортилмоқда.

Бугун ходимларимизнинг асосий вазифаларидан бири терроризм ва диний экстремизмнинг жирканч ғояларини ташвиқот қилувчиларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашдир. Ва айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган фаолиятимиз самарадорлигини оширишдир.

Бунинг учун жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

**— Мэлс ака, пойтахтда тинчлик ва осойишталикни сақлаш борасида қандай тадбирлар амалга оширилаётганлиги, табиийки, кўпчиликни қизиқтиради.**

— Республика ва Тошкент шаҳар прокуратуралари, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар идоралари томонидан шаҳарда тинчликни сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳар бир маҳалла, аҳоли яшаш уйлари, кўча ва хиёбонлар тўлиқ назоратга олинган. Бирон-бир жиноят тўғрисида хабарлар тушиши билан воқеа жойларига тезкор ходимларнинг етиб бориши ҳамда зудлик билан чоралар кўрилиши учун шароитлар бор.

Фурсатдан фойдаланиб, мен эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчи эдим. Кўчалар, жамоат жойларида патрулликни кучайтириш жуда яхши натижа берди. Аммо айрим фуқаролар томонидан қонун талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ўрнига, милиция ходимларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳолатлари учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Масалан, Шайхонтоҳур туманида фуқаро Т.Абидов автомашинани маст ҳолда бошқариб, йўл ҳаракатига ҳамда йўловчиларга катта хавф туғдириб келаётгани учун тўхтатилганда, у қаршилик кўрсатиб, милиция ходимларини урган. Ҳаётини хавф остига қўйиб, яна машина бошқаришга ҳаракат қилган. Албатта, Т.Абидов бу қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилди. Бироқ у спиртли ичимликдан сархуш бўлиб, машинага ўтиришдан олдин жамият, оиласи олдидаги бурчини мутлақ унутиб қўйди. Афсуски, бундай мисоллар ягона эмас.

**— Ҳозир Сиз прокуратура ва милиция идораларининг ролига тўхталиб ўтдингиз, бу борада жамоатчиликнинг ўрни қай даражада?**

— Тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун маҳаллаларда маҳалла посбонларининг ташкил этилиши яхши бўлди. Улар жамоат тартибини сақлашдан ташқари, оилаларда содир бўлаётган жанжалларни ҳал этишда ҳам фаолдирлар.

**— Ҳозирги кунда прокуратура ходимларининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этаётгани кўринади. Уларни тарбиялаш, касб маҳоратини оширишга барибир эътибор зарур. Тажриба — ўрганиш, деганларидек...**

— Республика Прокуратураси раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан ҳозирда ёш ходимларимиз чет элларда жиноятчиликка қарши кураш ва жиноят ишларини тергов қилиш масалалари бўйича ўқиб келиш, янада малакаларини ошириш имкониятларига эга бўлдилар. Бундан ташқари, республика Прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов кадрларининг малака ошириш марказида ёш мутахассислар билан ишлаш, ўқитиш доимий йўлга қўйилган. Бу марказ уларни тажриба орттиришларига, касб сирларини тезроқ ўрганишларига катта ёрдам бермоқда. Шу мақсадда биз республика ИИВ академиясида тажрибали криминалистларни жалб қилган ҳолда очилмаган жиноятларни фош этиш усуллари мавзусида амалий семинар машғулотларини ўтказдик. Шаҳар прокуратурасининг тажрибали ходимларидан ишчи гуруҳлари тузганмиз. Улар жойларга чиқиб, ёш мутахассисларга ёрдам кўрсатиб бормоқдалар. Мен, ёш кадрлар билан доимий ишлашни раҳбарлар учун энг муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблайман.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Қурбон ЭШМАТОВ**
**суҳбатлашди.**



*Ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ниҳолларини парваришлаш, пайҳон қилинишининг олдини олиш барчамизнинг бурчимиздир. Буни яхши тушунган Жомбой тумани ички ишлар бўлими ходимлари ғаллакорлар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажариш учун тегишли чора-тадбирларини кўрмоқда.*

*Айни чоғда бу ишга 35 нафардан иборат тезкор гуруҳ жалб этилган. Улар қарийб 15 минг гектар майдонда парваришланаётган ниҳолларни асраб-авайлашда деҳқонларга яқиндан ёрдам беришмоқда.*

**СУРАТЛАРДА:** дала қоровуллари сергак; «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бош мутахассиси (ўнгдан) Саъдулла Боймуродов, милиция ходими Мақсуд Хўжаев ва бригада бошлиғи Абдували Абдураҳимов ғаллазорларни кўздан кечиришмоқда.

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## БОЛДАН-ДА ТОТЛИ

*Қишлоқ тадбиркорлари*

Хорижнинг замонавий технологияси келтирилгунига қадар Хўжаободдаги мева қуритиш ҳиссадорлик жамияти ночор аҳволга тушиб қолган эди. Ҳатто хўжаликлар ва аҳолидан қабул қилиб олинган мева ҳамда сабзавот маҳсулотларининг пулини тўлашга ҳам қурби етмаётганди. Мана, бир йилдирки, қийинчилик ортда қолди. Ўн хилга яқин мева, шунингдек, карам, пиёз корхонанинг ўзида қуритилиб, қадоқланаётир. Маҳсулот сифати, идишларнинг ташқи кўриниши ва ихчамлиги харидор эътиборини ўзига қаратмоқда. Қайта ишловчилар бултур Россиянинг Екатеринбург, Чита каби саноат шаҳарларига шарбат аралашмалари билан бирга, кўплаб миқдорда қадоқланган маҳсулот ҳам етказиб берди.

Ўтган йилни 95 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш билан якунлаган қайта ишловчилар бу йил ана шу кўрсаткични 125 миллион сўмга етказишмоқчи.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА

аҳоли кенг қатламлари учун энг замонавий тўлов воситаси бўлган —

СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ эгаларига ҳаёт ва саломатликни бепул суғурталаш имконини беради




- Карточка эгаларига йилига 35 фоиз тўланадиган (ҳар ойда капиталлаштирилган) омонатлар очилади.
- Энг кам қўйилма миқдори - 150 сўм.
- Карточканинг амал қилиш муддати - 7 йил.

*Сўм пластик карточкалари супермаркетларда, дўконларда, маиший хизмат корхоналарида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади, шунингдек, ҳисобварақ қайси жойда очилганидан қатъи назар, банкнинг исталган бўлим ёки филиалида пластик карточкалар бўйича нақд пул берилади.*

**Сўм пластик карточкаларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.**
**Мулоқот учун телефон: (371) 137-62-80.**




Best Bank in Central Asia as recognised by Euromoney




Нав@2486




**Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:**

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

**Якка буюртмалар қабул қиламиз.**

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2. Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилерларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94. Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел.: (43622) 30761.

Ф/1907

